

**ИСМАНОВ Иброхим Набиевич,**  
Фарғона политехника институти профессори,  
иқтисод фанлари доктори

# БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТИЗИМИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ТРАНСФОРМАЦИЯСИНИНГ ЗАРУРИЯТИ

УДК 657.012.1

---

## ***ИСМАНОВ И.Н. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТИЗИМИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ТРАНСФОРМАЦИЯСИНИНГ ЗАРУРИЯТИ***

Мақолада акциядорлик жамиятлари ўз акцияларини фонд биржаларида листингга қўйиш учун молиявий ҳисоботларини халқаро стандартларга трансформация қилиш зарурияти ҳамда инвестицияларни жалб қилиш мақсадида потенциал инвесторлар учун молиявий ҳисобни ташкил этиш ва молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг алоҳида белгилари ва ҳисоб моделларининг моҳияти кўриб чиқилган.

Таянч иборалар: молиявий ҳисоб, молиявий ҳисобот, инвестиция, инвестор, листинг, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, ҳисоб моделлари, трансформация.

---

## ***ИСМАНОВ И.Н. НЕОБХОДИМОСТЬ ТРАНСФОРМАЦИИ СИСТЕМЫ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА В МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ***

В статье рассмотрены отдельные признаки, суть модели учета организации финансового учета и представление финансового отчета потенциальным иностранным инвесторам как один из факторов привлечения инвестиций, а также необходимость трансформации финансовых отчетов на МСФО акционерным обществам при листинге на фондовых биржах своих акций.

Ключевые слова: финансовый учет, финансовая отчетность, инвестиция, инвестор, листинг, Международные стандарты финансовой отчетности, модели учета, трансформация.

---

## ***ISMANOV I.N. NECESSITY OF TRANSFORMATION OF THE ACCOUNTING SYSTEM FOR INTERNATIONAL STANDARDS OF FINANCIAL REPORTING***

In the article separate signs and an essence of model of the accountant, the organization of the financial accounting and submission of the financial statement to potential foreign investment considered as one of investments attraction factors. As well there necessity of transformation of financial statements on IFRS to joint-stock companies are considered to shares listing on the stock exchanges.

Keywords: financial accounting, financial reporting, investment, investor, listing, International Financial Reporting Standards, accounting models, transformation.

***Бугунги кунда имтеъмолчиларни ахборотларга бўлган талаблари нуқтаи назардан бухгалтерия ҳисоби ташкилий жиҳатдан бошқарув ва молиявий ҳисобга ажратилмоқда. Бошқарув ҳисоби корхона ичида фойдаланиладиган ички (бошқарув) ҳисоботини шакллантириш имконини беради. Бошқарув ҳисоботи маълумотларидан фойдаланиш корхона бошқарувчилари томонидан тезкор ва ташқи муҳитга мос келувчи қарорларни қабул қилишни осонлаштиради ва қуйидагиларни аниқлаш имконини беради: бизнеснинг қайси сегментини ривожлантириш, қандай нархларни белгилаш керак ва ҳоказолар.***

Молиявий ҳисобот маълумотлари асосида бухгалтерия ахборотининг ташқи фойдаланувчиларига йўналтирилган ташқи молиявий ҳисоботлар тузилади.

Ҳисобот мавжуд муҳитга, хусусан, миллий қадриятлар, иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар, шунингдек мамлакатдаги сиёсий муҳит миллий ҳисоб юритиш тамойилларини шакллантиришни кўзда тутди. Лекин халқаро тажрибанинг кўрсатишича, корхоналарнинг молиявий ҳисоботларини таркибий тузилмаси ва уларни шакллантириш тартибига манфаатдор фойдаланувчилар талабларининг таъсири юқорироқ. Тарихан турли мамлакатларда эркин капитал бозорида алоҳида гуруҳдаги фойдаланувчилар у ёки бу ҳолатда устунлик қилдиларки, бу бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимларидаги фарқларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Мазкур фарқлар ривожланиб, бухгалтерия ҳисоби моделларига трансформацияланди. Ушбу моделлар асосан ҳудудий белгилари бўйича таснифланади ва 1-расмдагидек ифодаланади.


**Инглиз–Америка** (АҚШ, Англия, Нидерландия, Швеция, Австралия, Канада) моделининг бош ғояси ҳисобнинг капитал бозоридаги ахборотга бўлган талабларга, асосан хусусий инвесторларга йўналтирилганлигидир. Бухгалтерия ҳисоби услубиятини шакллантириш ва тартибга солиш жараёнига давлат органларининг аралашуви минимал даражада бўлиб, ҳисоб тизимини тартибга солиш меъёрлари мамлакатнинг бухгалтерлар ҳамжамияти томонидан ишлаб чиқилади ва улар тавсиявий характерга эга. Ушбу ҳолатда молиявий ҳисоботнинг мақсади амалдаги ва потенциал мулк-

дорларга корхона фаолияти тўғрисидаги, яъни мулкӣ ва молиявий ҳолати тўғрисидаги кўрсаткичларни узатиш ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби фойда миқдорини ҳисоблаш ва ундан фойдаланишни деталлаштиришга йўналтирилади. Молиявий ҳисоботда келтирилган фойда тўғрисидаги ахборот корхонанинг истиқболдаги ҳолатини башорат қилиш учун ишлатилиши мумкин. Молиявий ҳисобот маълумотларидан асосий фойдаланувчилар қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари бўлиб ҳисобланади.

Инглиз–Америка моделини қўллайдиган мамлакатларда солиққа тортиладиган фойда билан ташқи молиявий ҳисоботда акс эттириладиган фойда орасидаги боғлиқлик сезиларли даражада эмас. Мазкур мамлакатларда солиққа тортиш мақсадлари учун махсус ҳисоботлар тайёрланади. Шунинг учун солиққа тортиш мақсадида активлар, мажбуриятлар, харажат ва даромадларни ўлчаш, тан олиш ва баҳолаш қоидалари ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботларни тузишда эътиборга олинандиган тамойиллардан фарқ қилиши мумкин. Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш тамойиллари ва қоидаларини тартибга солиш функцияси профессионал бухгалтерлар ҳамжамияти қўлидадир.

**Минтақавий моделни** қўллайдиган мамлакатларда (Германия, Франция, Бельгия, Италия, Испания, Португалия, Япония, Аргентина, Перу, Бразилия, Ўзбекистон) бизнесни молиялаштириш фонд бозорлари орқали эмас, балки банк сектори орқали амалга оширилади. Банк фаолияти давлат томонидан қатъий назорат қилиниши сабабли, ушбу мамлакатларда бух-

**1-чизма. Бухгалтерия ҳисоби моделларининг таснифланиши.**

галтерия ҳисоби қонунчилик билан тартибга солинади ва консервативлиги билан ажралиб туради. Бунда ҳисоб юритишининг устувор вазифаси кредиторларнинг бошқарув талабларига йўналтирилганлиги бўлиб ҳисобланмайди.

Ҳисоб юритиш амалиёти, энг аввало, ҳукумат талабларини қондиришга, хусусан солиққа тортиш вазифаларини ҳал этишга йўналтирилади. Масалан, Германияда «солиққа тортиш мақсадлилиги» тамойили амал қилади. Ушбу тамойилга кўра солиқ органлари учун ҳисоботлар ташқи манфаатдор шахслар учун тузилган ҳисоботлар билан бир хил бўлиши талаб этилади.

Минтақавий моделга асосланган мамлакатларда молиявий ҳисоботлар тузиш қоидалари давлат органлари томонидан белгиланади. Хусусан, Ўзбекистонда мазкур вазифани Молия вазирлиги амалга оширади. Ушбу мамлакатларда компаниялар мулки ва мажбуриятларини баҳолаш услублари нисбатан эҳтиёткорлик тамойилига асосланади. Масалан, асосий воситалар амортизациясини ҳисоблашда амортизацияларни ҳисоблашнинг чизиқли услубига нисбатан камайиб борувчи қолдиқ услуби кенгроқ қўлланилади. Тадқиқотлар натижасига кўра маълум бўлишича Ўзбекистон Республикасида корхоналар амортизация ҳисоблашнинг кўпроқ чизиқли усулидан фойдаланадилар.

**Жанубий Америка моделининг** фарқланувчи хусусияти ҳисобот маълумотларининг инфляцияни ўсиш суръатларига қайта тузатиш қилиш ҳисобланади. Ҳисобот давлат органлари талабига йўналтирилган ҳисоботда давлатнинг солиқ сиёсатини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар етарли даражада очик тарзда берилади.

Ислом дунёси ва Африка минтақасидаги давлатларда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг **ислом модели** амал қилади. Ҳисоб юритишнинг ислом моделининг асосини илоҳий ғоя таъсиридаги эътиқод ташкил этади. Хусусий капитал учун молиявий дивидендлар олиш, яъни судхўрлик асосида фоиз кўринишидаги даромадларни олиш тақиқланади. Активлар ва мажбуриятлар бозор нархларида баҳоланади. Шу билан бир қаторда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муносабатларнинг глобаллашуви, интернационаллашуви аста-секинлик билан миллий чегараларга эга бўлмаган жаҳон бозорининг шаклланишига олиб келмоқда. Дунёнинг турли мамлакатларида корхоналарга эга бўлган трансмиллий корпорациялар ташкил этилмоқда ва муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Худудиди ягона миллий валюта жорий этилган Европа давлатлари ягона иқтисодий муҳитни шакллантирадилар. Бу ва бошқа сабаблар халқаро даражадаги ҳисоб тизими – молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандарт-

лари (МҲХС - МСФО) (International Financial Reporting Standards – IFRS ёки International Accounting Standards - IAS)нинг шаклланиши учун асос бўлди.

МҲХС молиявий ҳисоботларини тайёрлаш ва тақдим этишнинг ижтимоий манфаатларда қабул қилинган қоидаларидир. Бу халқаро даражада амал қилувчи ҳисоб тизимидир. МҲХС тавсиявий тавсифга эга. Бутун дунёдаги тартибга солувчи идоралар молиявий ҳисобот юритиш қоидаларини унификациялашнинг муҳимлигини тан олганликлари ва МҲХС бўйича қўмитанинг фаолиятини қўллаб-қувватланганликлари учун ҳам мазкур стандартлар амалиётда қўлланилади.

МҲХС корхона фаолияти тўғрисида молиявий ахборотларнинг манбаи бўлган ва фойдаланувчилар учун хизмат қиладиган молиявий ҳисобот тайёрлашга йўналтирилган. Ушбу стандартлар алоҳида олинган мамлакатнинг қонунчилигига боғланмаган ва фаолият тури, ўлчами, ташкилий-ҳуқуқий шаклдан қатъий назар барча корхона ҳисоботини шакллантириш учун йўналтирилган. МҲХС ўзаро боғлиқ бўлган корхоналар гуруҳининг консолидациялашган молиявий ҳисоботини тайёрлаш учун ҳам алоҳида олинган корхона ҳисоботини шакллантириш учун ҳам бирдай қўлланилиши мумкин.

Анъанавий бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби стандартларда акс эттирилмаган. Хусусан, стандартларда бирламчи ҳужжатлаштириш ва ҳужжат айланиши қоидалари счетлар режаси, ҳисоб ёзувларни расмийлаштириш тартиби ва ҳоказолар ҳақида маълумотлар берилмаган. Улар фақат ҳисобот тузиш қоидаларини тартибга соладилар.

МҲХСни ташкил этиш бўйича ишлар 1973 йилда Австралия, Буюк Британия, Германия, Голландия, Ирландия, Канада, Мексика, АҚШ, Франция ва Япония бухгалтерлари ва аудиторларининг профессионал ассоциация ва бирлашмалари ўртасида тузилган шартнома асосида молиявий ҳисоботлар халқаро стандартлари бўйича қўмита ташкил этилиши билан бошланган. Қўмита қонуний ваколатга ҳам, раҳбарлик функциясига ҳам эга бўлмаган мустақил хусусий ташкилот сифатида фаолият

юритган. Шунга қарамай, 1984 йилда ушбу қўмита фаолиятининг дастлабки натижаларига эга бўлинди. Лондон фонд биржаси ўз қимматли қоғозларини Лондон биржасида котировка қиладиган барча хорижий корпорацияларга МҲХСдан фойдаланишни тавсия қилди. 1985 йилда АҚШнинг йирик корпорацияларидан бири General Electric миллий стандарт (GAAP)дан ташқари МҲХС бўйича ҳам ҳисобот тайёрлади.


1995 йилда Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари бўйича қўмита (МҲХСҚ) 1999 йилгача МҲХС асосий комплектини тайёрлаш ишларини якунлаш мақсадида Қимматли қоғозлар бўйича комиссия халқаро ташкилоти билан келишув тузди. Ушбу келишув МҲХСнинг келгусидаги ривожланишида улкан аҳамиятга эга бўлди. Бу компания томонидан МҲХСга мувофиқ тайёрланган ҳисобот ушбу компаниянинг қимматли қоғозларини дунёнинг барча фонд биржаларида миллий стандартлар GAAPга ўзгартириш киритмай туриб жойлаштириш имкониятини яратди. Моҳиятига кўра МҲХС халқаро листинг (қимматли қоғозларни фонд биржасига киритиш) учун тавсия қилинган. Ушбу жараёни банк назорати бўйича Базель қўмитаси ҳам фаол қўллаб-қувватлайди.

1998 йил декабр ойида МҲХСҚ асосий стандартларини тайёрлаш дастурларини якунлади. Молиявий ҳисоботларни мослаштириш жараёни ўрнига уларни ўзаро яқинлаштириш (конвергенция) жараёни амал қила бошлади.

2001 йил апрел ойида МҲХСҚ молиявий ҳисоботлар халқаро стандарти бўйича кенгашга (МҲХСҚ) айлантирилди. МҲХСҚнинг таркибий тузилмаси 2-чизмада келтирилган. Ҳар бир тузилма ўз шаклланиши тартиби, ўз вазифалари ва ваколатига эга.

Ворислик кенгаши таркибига бизнеснинг турли географик ҳудудларда жойлашган вакиллари кирадилар. Олти нафар аъзо Шимолий Америкадан, олти Европадан, Осиё–Тинч океани ҳудудидан 4 нафар аъзо ва умумгеографик балансни сақлаш мақсадида 3 нафар аъзо исталган минтақадан киреди. Кенгаш МҲХС, КСС, КЧМФО аъзоларини тайинлайди, МҲХСҚ фаолияти самарадорлигини назорат

## 2-чизма. МҲХСК тузилмаси.



қилади, молиялаштиради ва бюджетни тасдиқлайди.

Стандартларини ишлаб чиқишга жавоб берадиган бошқарув кенгаши 14 нафар аъзодан иборат бўлиб, 12 нафари доимий ишлайди, 2 нафари ўриндошлик асосида фаолият юритади. 14 аъзодан иборат бошқарув кенгаши таркибида камида 5 нафари аудитор сифатида иш тажрибасига, 3 нафари молиявий ҳисоботларини тайёрлаш, 3 нафари молиявий ҳисоботлардан фойдаланиш тажрибасига ва камида бир нафари илмий тайёргарликка эга бўлиши талаб этилади.

МҲХС мунтазам такомиллашиб бормоқда. Айниқса, охириги йилларда МҲХСК амалдаги стандартларни қайта кўриб чиқиш ва янгиларини ишлаб чиқиш борасида фаолият олиб борди. Натижада 12 та амалдаги МҲХСКга ўзгартиришлар киритилди, молиявий инструментлар (воситалар) бўйича стандартлар – МҲХС-32 ва МҲХС-39нинг янги таҳрири қабул қилинди, аввалги IAS стандартлари ўрнига IFRS аббревиатураси остида 8 та янги стандарт яратилди.

МҲХСК фаолияти бўйича қуйидаги мақсадлар кўзда тутилган:

– юқори сифатли, шафоф ва таққослама ахборот беришни талаб қилувчи юқори сифатли, тушунарли, амалий жиҳатдан қулай

молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини ишлаб чиқиш;

– ушбу стандартларни жорий қилиш ва уларга риоя қилиниши устидан назорат ўрнатиш;

– барча мамлакатлар молиявий ҳисоботлари стандартларини ўзаро яқинлаштириш мақсадида молиявий ҳисоботлар стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун жавобгар миллий органлар билан ҳамкорлик ўрнатиш.

Ушбу даврдан буён 50дан ортиқ йирик давлатлар миллий стандартларини МҲХСга яқинлаштириш ёки уларга ўтиш режаларини туздилар. Европа кенгаши қимматли қоғозлари Европа фонд биржаларида котировкага қўйиладиган компанияларига 2005 йилдан бошлаб консолидар молиявий ҳисобот тузишда МҲХСни қўллаш вазифасини юклади. Австралия 2005 йилдан МҲХСга тўлиқ ўтишини эълон қилди.

АҚШнинг молиявий ҳисоботлар стандартлари бўйича кенгаши МҲХС билан Америка ва халқаро тизимлар ўртасидаги фарқни бартараф этиш бўйича келишуви имзоланди.

МҲХС молиявий ҳисоботларни жиҳон миқёсида такомиллаштиришга катта ҳисса қўшди. Ушбу стандартлар жуда кўплаб мамлакатлар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимлари учун асос бўлиб хизмат қилади. Улар ҳисоб ва

ҳисоботлар учун ўз талабларини ишлаб чиқадагидан мамлакатлар учун халқаро норматив ҳисобланади. Халқаро стандартлар фонд биржалари ва хорижий ва миллий компанияларга МҲХС га мувофиқ молиявий ҳисоботлар тайёрлаш ва топширишга рухсат берувчи турли хил тартибга солувчи органлар томонидан қўлланилади.

Молиявий ҳисобот тузишнинг халқаро стандартларини Ўзбекистонда жорий этиш 2004 йилдан бошланди. Ҳисоб юритиш ва статистика тизимини иқтисодий ривожлантириш талабларига мувофиқлигини таъминлашнинг давлат дастури қабул қилинди. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС) ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Аммо бугунги кунга келиб миллий бухгалтерия ҳисоби тизимини қайта қуриш жараёни Ўзбекистондаги умумиқтисодий ислохотлар жараёнидан бироз ортда қолмоқда. Бундай ҳолатни ўзгартириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида» ПФ-4720-сон фармони қабул қилинди. Бунга кўра 2015-2018 йилларда барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботни нашр этиши ва Халқаро аудит стандартлари ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ташқи аудитни ўтказишлари зарурлиги ҳамда Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида акциядорлик жамиятларининг йиллик молиявий ҳисоботини халқаро стандартларга мувофиқ нашр этиш лозимлиги белгилаб қўйилди<sup>1</sup>.

2015 йил якунларига кўра, акциядорлик жамиятлари молиявий ҳисоботларини Молиявий ҳисобот халқаро стандартига (IFRS 1)

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4720-сонли фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 17-сон, 2015 йил 4 май. -6-б.

мувофиқ тузишлари ва матбуотда эълон қилишлари шарт<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда МҲХСга қизиқишнинг ортиб боришининг сабабларига қуйидагиларни кириштириш мумки:

– инвестиция жалб этувчи корхоналарнинг молиявий натижалари ва ҳақиқий молиявий ҳолати борасида аниқ, ишончли ахборотнинг халқаро андозаларга мос тарзда тақдим этиш имкониятининг йўқлиги, Ўзбекистонга инвестиция оқимининг камлиги. Ўзбекистон ҳудудидаги корхоналарни ҳисоб юритишнинг халқаро стандартлар шартларини тан олган шароитдагина йирик фонд биржаларида иштирок этиш имконияти пайдо бўлади. МҲХСга мувофиқ ҳисоботларни шакллантириш – Ўзбекистон корхоналарига халқаро капитал бозорига қўшилиш имкониятини яратувчи шартлардан биридир;

– халқаро стандартлар бўйича тузилган молиявий ҳисоботларни бухгалтерия ҳисобининг ўзбек стандартлари асосида шакллантирилган ҳисоботлардан фарқ қилиши. Халқаро стандартлар аниқ фойдаланувчиларга йўналтирилади ва молиявий ҳисоботларнинг улар томонидан иқтисодий қарорлар қабул қилишдаги фойдаланиш мезонларидан келиб чиқади;

– мамлакатда бухгалтерларнинг ваколати ва жавобгарлигининг кенгайиши, уларнинг билим ва кўникмаларининг ошиши;

– МҲХСни қўллаш бухгалтерия ҳисоби юритишнинг янги қоидаларини ишлаб чиқишга сарфланадиган вақт ва ресурсларни қисқартириш имкониятини яратади. Ҳисоб ва ҳисоботни юритишнинг ўзбек тизимини МҲХСга яқинлашувчи бухгалтерия ҳисобининг самарали тизимини жорий этиш муаммосини ҳал этиш имкониятини яратади. Бухгалтерия ҳисоби тизимини ислоҳ қилишдаги мақсад – миллий бухгалтерия ҳисоби тизимини бозор иқтисодиёти ва МҲХС талабларига мослаштириш ҳисобланади.

<sup>2</sup> Международные стандарт финансовой отчетности (IFRS) 1 «Первое применение международных стандартов финансовой отчетности. Консультант плюс [www.consultant.ru](http://www.consultant.ru). - М., 2016.

Ислоҳотларнинг вазифалари:

– фойдаланувчиларнинг фойдали ахборотини таъминловчи ҳисоб ва ҳисоботлар стандартлари тизимини шакллантириш;

– Ўзбекистондаги бухгалтерия ҳисоби ислоҳотларининг халқаро даражадаги стандартлар билан уйғунлаштиришни таъминлаш;

– бухгалтерия ҳисобининг ислоҳ қилинган моделини жорий қилишни тушунишда ташкилотларга ёрдам бериш;

Ислоҳотларнинг асосий йўналишлари:

– меъёрий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш;

– норматив базани шакллантириш;

– услубий таъминот (йўриқномалар, услубий кўрсатмалар, изоҳлар);

– кадрлар таъминоти (бухгалтер касбини шакллантириш, бухгалтерия ҳисоби бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш ва уларни малакасини сертификациялаш).

МҲХСларни қўллашнинг камчилиги шундаки, ҳисобот топширувчи корхона хўжалик операцияларни ҳисоб ва молиявий ҳисоботда акс эттириш услубларини мустақил танлай олади. Бундай ихтиёрийлик ҳисобот ахборотининг бузилишига олиб келади.

Халқаро стандартларнинг миллий стандартлардан устунлиги:

– аниқ иқтисодий мантиқ;

– ҳисоб соҳасида жаҳон амалиётини умумлаштириш;

– фойдаланувчилар томонидан қабул қилишнинг соддалиги.

Бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солишнинг мақсади корхона фаолияти натижалари ва молиявий ҳолати борасида объектив тасаввурни берувчи ахборотларга эга бўлиш учун шароитлар яратиш ҳисобланади. Бунинг учун қуйидаги масалаларни ечиш талаб этилади:

– меъёрий тартибга солишни ҳисоб жараёнидан бухгалтерия ҳисоботиغا йўналтириш;

– молиявий ҳисобни тартибга солиш;

– миллий стандартларни тартибга солишда халқаро стандартлардан фойдаланиш.

Норматив таъминотнинг муҳим ташкил этувчиси бўлиб бухгалтерия ҳисоби тизимини барқарор ривожлантириш ҳисобланади. Асосий вазифа бухгалтерия ҳисоби тизимини унга тегишли функцияларни барқарор, фойдали тарзда, самарали ва муваффақиятли равишда бажара олиш учун қулай шароитларни яратиш ҳисобланади.

Ўзбекистонда МҲХСни қўллашнинг халқаро стандартлар талабларига мувофиқ юқори сифатли ахборотларни шакллантиришга йўналтирилган ҳисоб ва ҳисобот юритишнинг миллий қоидаларини аста-секинлик билан такомиллаштириб боришни кўзда тутувчи услуби танланган.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, бухгалтерия ҳисобининг ривожланиши мамлакатдаги иқтисодий вазиятлардаги ўзгаришлар билан алоқадорликда амалга ошмоқда. Ўзбекистондаги ижтимоий муносабатлар тизими, шунингдек фуқаролик-ҳуқуқий муҳитнинг ўзгариши бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг мувофиқ тизимини шакллантиришни талаб қилади.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4720-сонли фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 17-сон, 2015 йил 4 май.

2. Международные стандарт финансовой отчетности (IFRS) 1. «Первое применение международных стандартов финансовой отчетности. Консультант плюс [www.consultant.ru](http://www.consultant.ru). – М., 2016.